



«20» ИЮНЬ 2016 йил

№ 243 қ

Урганч ш.

Нусха № _____

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 15 июндаги “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот
маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни
тасдиқлаш ҳақида”ги 207-сон қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган “Ўзагроэкспорт” ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 2016 йил 7 апрелдаги ПҚ-2515-сон ҳамда “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”га 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ - 2520-сон қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумнинг экспортини тартибга солиш, хорижий валютадаги тушум тушиши ва унинг мажбурий сотилиши юзасидан самарали назоратни таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 июндаги “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 207-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
- Вилоят ҳокимлиги (М.Сапаев), вилоят ҳокимлигининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси (Т.Давлетов), вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси (М.Абдиримов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг талабларини мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасида тарғиб қилсинлар.

3. Вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (С.Каландаров) мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишга фитосанитария сертификатларини расмийлаштиришда белгиланган тартибда уларда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум турлари (навлари) ва етиштирилган ҳудудни кўрсатилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

- янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

- ҳўжалик юритувчи субъектларга:

мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни (ТИФ ТН коди 07-08) барча транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда экспорт қилишга;

мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни (ТИФ ТН коди 07-08, 1202) нақд хорижий валютага, маблағларни банкларнинг кассалари орқали белгиланган тартибда экспорт қилувчиларнинг ҳисоб рақамларига ўтказган ҳолда, шунингдек тўловни норезидентларнинг халқаро тўлов карталаридан қабул қилиш йўли билан экспорт қилишга;

2016 йил 1 июлгача янги мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумни кредиторлик қарзлари суммасига ҳамда илгари тузилган экспорт контрактлари бўйича 2016 йил 1 майдаги ҳолатига кўра очилган аккредитивлар бўйича экспорт қилишга руҳсат этилганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги;

- “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи Республикаси Марказий банк билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритиш топширилганлиги;

- вазирлик ва идораларга ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари М.Сапаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

П.Бобожонов